



«ИСЛОМ ҲАМЖИХАТЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН МИСОЛИДА» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам халқаро конференция катнашчилари!

Хурматли меҳмонлар!
Сизларни табарруқ Ўзбекистон заминига кутлаш ва ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни изҳор этишдан гоят хурсандман.

Бугунги анжуман Озарбайжон Республикаси Президенти, муҳтарам Илҳом Гейдарович Алиевнинг 2017 йили Озарбайжонда Ислом бирламчилиги йили, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусига ҳамоҳанг экани билан эътиборга сазовордир.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистонда дўст Озарбайжон Президентининг ташаббусини юксак баҳолашимизни таъкидлашни истардим.

Маълумки, бизнинг Ватанимиз минг йиллар давомида турли цивилизациялар мулоқотга киришган ва бир-бирини тўлдирган Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Бу заминда турли маданият ва дин вакиллари тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда яшаган. Мусулмон дунёси тараққиётида улкан роль ўйнаган халқимиз менталитетининг асосини том маънодаги бағрикенглик, олижаноблик ва эзгулик каби фазилатлар ташкил этади.

Мовароуннахрнинг гузал ва бетакрор шаҳарлари, аввало, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива кўп асрлар давомида ислом илм-фани, маданияти ва бутун мусулмон цивилизациясининг марказлари сифатида шухрат қозонган. Бу савоатли заминдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муъин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб буюк аллома ва азиз-авлиёлар етишиб чиқди.

Инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган мусулмон Ренессанси ана шу буюк аждодларимизнинг диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Мамлакатимизда бағрикенглик маданиятини юксалтириш, миллатлар ва конфессиялараро ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди ва бундай ёндашув ижобий натижа бермоқда.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та конфессия вакиллари тинч-тотув, дўст-иноқ бўлиб яшамоқда. Уларнинг тўлақонли маънавий ҳаёт кечириши, ўз анъана ва урф-одатларини ривожлантириши, миллий ва диний байрамларини нишонлаши учун барча шароитлар яратилган.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизи асосан сунний мазҳабга мансуб мусулмонлардир. Уларнинг орасида шиа мазҳабига мансуб юртдошларимиз ҳам бор, лекин бу икки мазҳаб вакиллари ўртасида ҳеч қачон низо ва зиддиятлар юзага келмагани эътиборга моликдир. Бизнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимизда ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустақамлаш бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўйлаيمانки, бу масала айнан бугунги кунда, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ва радикализм кучайиб, диний экстремизм ва терроризм тобора авж олиб бораётган

ҳозирги вақтда, айниқса, муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Шу маънода, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиққани чуқур мантикий асосга эгадир. Зеро, муқаддас динимиз бағрикенгликка, эзгу амаллар ва бахту саодатга олиб борадиган йўл айнан маърифат эканини алоҳида уқтилади.

Ислом динининг тинч-осойишта ҳаётга, бошқа халқларга ҳурмат, меҳроқибат кўрсатиб яшашга даъват этадиган асл инсонпарварлик моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга Ўзбекистонда катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти, Бухоро шаҳрида Мир Араб ислом институти, 9 та мадраса фаолият кўрсатмоқда, пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда эса Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги кунда бутун дунё, айниқса, ислом ҳамжамияти даврнинг таҳликали таҳдидлари билан юзма-юз турибди. Ислом динини сиёсийлаштириш ва мусулмон ёшларни радикаллаштириш борасидаги уринишлар бундай хатарларни ўта жиддий таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга муносиват жавоб беришни тақозо этмоқда.

Дунёдаги айрим доиралар исломга қарши кайфиятни кучайтирган ҳолда, ислом динини терроризм мафкураси билан боғлашга уринаётганини минг афеус билан қайд этишга тўғри келади. Бу омил ислом оламини янада жипслашишга чорламоқда. Ислом ҳамжиҳатлиги жаҳондаги кескинликни юмшатишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимизнинг муҳассам манбаи сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз буюк динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қанон мурося қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, ҳаётда асл инсоний фазилатларни қарор топтиришга даъват этади.

Шу муносабат билан, қафат барча мусулмон мамлакатлари билан биргаликда энг муҳим вазифани, яъни, улуг аждодларимиз диний-маънавий меросининг ажралмас қисми бўлган мусулмон ахлоқ-одоб қоидаларини, жумладан, мўътадиллик, мурося қилиш, тинчлик-хотиржамлик ва бир-бирини ўзаро тушуниб яшашга интилиш каби олижаноб фазилатларни асраб-авайлаш ва бугунги реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда бутун жаҳон ҳамжамиятига етказишдек гоят муҳим вазифани ҳал қилишимиз мумкин, деб таъкидлаш ўринлидир.

Қадрли дўстлар!
«Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» халқаро конференцияси ислом динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш, мусулмон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустақамлаш, уларнинг раванқ топиши ва фаровонликка эришишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилишга ишонаман.

Анжуман иштирокчиларига мустақам соғлиқ, тинчлик ва омонлик ҳамда конференция ишининг самарали бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИСЛОМ ҲАМЖИХАТЛИГИ ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАРАРО ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 18 октябрь кuni «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Озарбайжон Республикаси диний ташкилотлар билан ишлаш Давлат қўмитаси ҳамда Кавказ мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Россия, Германия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина каби мамлакатлардан келган таниқли давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли уламолар, Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг ҳукумат ва парламентлари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуман иши Қуръон тиловати билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг табригини Озарбайжон Республикаси диний ташкилотлар билан ишлаш Давлат қўмитаси раиси М.Гурбанли ўқиб эшиттирди.

Ислом ҳамжиҳатлиги мавзусидаги халқаро конференция мамлакатимизда ўтказилаётгани бежиз эмас. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимизда қадимдан турли миллат ва дин вакиллари аҳил-иноқ яшаган, бир-бирининг маданиятини бойитган. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Муҳаммад Қафқол Шоший, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк

мутафаккирларимиз жаҳон илм-фани, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган.

Мустақиллик йилларида диний қадриятларимиз тикланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун асосида виждон эркинлиги кафолатланди. Диний билимларни ўрганиш, диний амалларни бажариш учун кенг эркинлик ва шароитлар яратилди. Қуръони карим ва унинг тафсирилари, ҳадислар ва бошқа муқаддас китоблар ўзбек тилида минглаб нусхаларда нашр этилмоқда. Улуғ аждодларимиз қадамжолари обод этилиб, таваллуд айёмлари халқаро миқёсда нишонланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқимизнинг маънавий меросини қадрлаш, маърифий ислом динини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк алломаларимиз асарларини ўрганиш ва чоп этиш, қадамжоларини обод этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги Имом Термизий, Қашқадарё вилоятидаги Абу Муъин Насафий макбаралари, Навоий вилоятидаги Нурота зиёратгоҳи ва бошқа қадамжолар қайтадан тўлиқ таъмирланди.

Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Сурхондарёда Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Самарқанддаги Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонадаги Марғиноний илмий марказида фикр мактаби, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасавуф, Қашқадарёдаги Абу Муъин Насафий марказида ақида илми мактаби ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ бунёд этилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси марказида аждодларимизнинг улкан маънавий мероси, жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш ишлари бошлаб юборилди.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 октябрь кuni соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасидаги ислохотлар таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ва Бош вазир ўринбосари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз жорий йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш масаласига бағишлаб уч марта видеоселектор йиғилиши ўтказди. Тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофлича кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга таширфлари чоғида шифохоналар, поликлиникалар, кишлоқ врачлик пунктларидаги шароитлар билан бевосита танишди, замонавий клиникалар куриш бўйича топшириқлар берди.

Соҳани янада ривожлантириш, тиббий хизматлар қўламини ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдамни такомиллаштириш, бирламчи тиббиёт тизимини янада яхшилаш, хусусий сектор ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришга оид қарор ижроси

доирасида 793 кишлоқ врачлик пункти негизида кишлоқ оилавий поликлиникаси, 441 тез тиббий ёрдам шохбчаси ташкил этилди. Фаолияти тугатилган 658 кишлоқ врачлик пункти бинолари хизмат уйи сифатида фойдаланиш учун шифокорларга берилди. Бундан ташқари, кишлоқ оилавий поликлиникаларида 5 турдаги ва Тошкент шаҳар оилавий поликлиникаларида 10 турдаги тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди. Бирламчи тизимда кадрлар таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилда тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юрталарининг бакалавриатура босқичини битирган 3 минг 197 ёш мутахассисининг 79 фоизи бирламчи тизимга ишга юборилди.

Қилинган ишларнинг натижаси қандай бўлаяпти, одамлар бундан қай даражада фойдаланмоқда, деди Шавкат Мирзиёев. Аҳолидан келиб тўшаётган мурожаатлар бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўпчилигини кўрсатмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ҳудудларда етарли даражада эмаслиги олдимизда турган долзарб муаммолардан бири. Тан олиш керак, ҳудудлардан юқори технологик тиббий ёрдам олиш учун Тошкент шаҳрига келиш аҳоли томонидан кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоятларда ишлаш ташаббуси билан чиққан етакчи мутахассислардан 134 номзод танлаб олингани қайд этилди. Улар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, жумладан, болалар шифохоналари, эндокринология, кардиология, силга қарши, тери-таносил диспансерлари, онкология маркази филиаллари, юқумли касалликлар шифохоналарига ишлаш учун юборилди.

► Давоми 2-бетларда.

Муносабат МДХда Ўзбекистоннинг устувор йўналишлари

10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини ҳаётинг ҳозирги талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, мажлис кун тартибидagi масалалар юзасидан қатор аниқ тақлифларни билдирди. Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо ҳудудини ташкил этиш, транспорт ва коммуникациялар, илмий-техник ҳамкорлик ва таълим соҳасида тажриба алмашиш, туризм соҳасидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳарбий техник соҳадаги кооперация даражасини ошириш, мавжуд шартнома ва битимлар доирасида қўша дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш, тинчлик ҳамда барқарорликка, хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши ҳамкорликда курашиш, шунингдек, оила институти ва оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳада тажриба алмашиш масалалари шулар жумласидандир.

Президентимиз нутқида билдирилган тақлифлар кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу ташаббуслар нафақат Ўзбекистонда, балки Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларда ҳам янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқ турмушини фаровонлаштириш, тинчлик ва барқарорликни асраш каби улуг мақсадларга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қуйида мамлакатимиздаги таниқли олимлар, ЎзХДП фаоллари, депутатларнинг Президентимиз нутқи маъно-мазмуни ва аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

► Давоми 2-3-бетларда.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган долзарб масалалардан бири — бу тез тиббий ёрдам хизмати билан боғлиқ, деди Президентимиз. Бу борда ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Транспорт воситалари ҳали етарли эмас, доридармон таъминотида узиллишлар мавжуд.

2016 йилда 806 тез тиббий ёрдам станцияси ва кичик станцияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2 минг 100 дан ошди. Табиийки, бу ҳар бир қақирқиннинг ўз вақтида келишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар билан бирга, аҳолининг мазкур хизматдан фойдаланиш борасидаги маданиятини ошириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Жаҳон тиббиёти олдида турган долзарб масалалардан бири ижтимоий касалликлардир. Мамлакатимизда сил, психиатрия, тери-таносил, онкология хасталиклари бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди ва Президент қарорлари қабул қилинди.

Республика ихтисослаштирилган марказларнинг вилоятларда филиаллари ташкил этилмоқда. Чет эл клиникаларида фаолият юритаётган 50 дан ортиқ ватандошимиз юртимизга қайтарилди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан тиббиёт соҳасида бакалаврият таълим йўналишларида ўқиш муддати 7 йилдан 6 йил ва «тиббий профилактика» йўналишида 6 йилдан 5 йил этиб белгилангани мамлакатимиз тиббий таълим тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, жойларда кадрлар таъминоти яхшиланиши ва давлат бюджети маблағлари мақсадли сарфланишига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга оид фармойиши доирасида 8,4 минг нафар ногирон протез-ортопедия маҳсулотлари билан, 9,3 мингдан зиёд эҳтиёжманд фуқаро реабилитация техник воситалари билан бепул таъминланди. Шунингдек, 23 мингдан зиёд 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар санаторияларда бепул дам олдирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторини ривожлантиришни такомиллаштиришга оид қарор билан хусусий тиббиёт муассасалари шугулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик турлари 50 тадан 126 тага қўпайтирилди. Натижада Тошкент шаҳрида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Жиззах шаҳрида Жанубий Корея, Фаргона, Қарши шаҳарларида ва Қумқўрғон туманида Ҳиндистон каби давлатлар билан қўшма клиникалар ташкил этилмоқда. Ўтган 9 ой мобайнида хусусий тиббиёт муассасалари яна 400 дан зиёдга қўпайиб, уларнинг сони 3 минг 860 дан ошгани хусусий тиббиёт муассасаларига берилган кенг имтиёз ва преференциялар самарасидир.

Жорий йилда «Ўзфармсанот» акциядорлик концерни томонидан 76 янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш 2011 йилга нисбатан 4 марта ўсди.

Фармацевтика соҳасида янги, юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш учун Ўзбекистон тараққиёти ва ривожланиши

жамғармасидан 250 миллион доллар миқдорида кредит ресурслари ажратилди. Умумий қиймати қарийб 400 миллион долларга тенг бўлган 70 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, уларнинг 33 таси жорий йилда ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбарининг «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони қабул қилиниши, аввало, юртимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, доридармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий доридармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдирish имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, доридармон ва тиббиёт буюмларини экспорт қилиш ҳажмини янада оширади.

Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бера бошлади. Масалан, фармацевтика маҳсулотини экспорти 40 фоизга оширилишига эришилди, юқори технологиялар жорий қилиниши эвазига ҳар бир ишчи ишлаб чиқариш самардорлиги 35 фоиз ўсди. Маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган дорилар тури 2 минг 300 дан ошди.

Йўналишда соҳада ўз ечимини қутаётган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, айниқса, қишлоқ жойларда тизимли патронаж қамрови сифатини яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг стационар муассасалар билан ҳамкорлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Мутасаддиларга соҳада хусусий секторни янада ривожлантириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Тез тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш, скриптор марказлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати, хусусий тиббиёт соҳасига чет эл инвестицияси ва юқори малакали мутахассисларнинг жалб этиш ишлари ислоҳ қилиниши лозим.

Аҳолини патронаж ва тизимли диспансеризация билан тўлиқ қамраб олиш, она ва бола скрипторининг ҳамда тиббий-генетик хизматини янада такомиллаштириш ва ушбу хизматларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида 2018-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Йўналишда тиббиёт ходимларининг малакаси ва шахсий масъулияти масаласи жиддий танқид қилинди. Соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг давлат ва хусусий секторидagi барча мутахассислар фаолиятини лицензиялаш тизимини татбиқ этиш назарда тутилган.

Йўналишда соҳа олдида турган долзарб вазифалар белгиланди. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

йўлидаги ҳамкорликда чегара бўлмаслиги керак



Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу нутқи чуқур фикр-мулоҳазалари, ҳаётий таҳлил-лар билан кўпчилиكنинг диққат-эътиборини тортди. Давлатимиз раҳбари дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлардан келиб чиқиб, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиكنинг янги шаклларда ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Эскича ёндашувлар самарасиз эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётгани айтилди. Шунингдек, МДХда Ўзбекистон иштирокининг устувор йўналишлари маълум қилинди.

Айниқса, илмий техник ҳамкорлик ва таълим соҳасидаги алмашувни кенгайтириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурлар, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш каби таклифлар мени жуда қувонтирди. Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур голларни мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислохотларининг мантиқий давоми сифатида эътироф этмоқчимман.

Самарқанд давлат университети ва Россия Федерациясининг Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Новосибирск давлат университети, Қозон давлат университети, Ставропол давлат университети ҳамда бошқа олий таълим муассасалари билан йўлга қўйилган узоқ йиллик ҳамкорликни бундан буён янги босқичга

олиб чиқиш имконияти яратилади. Шу билан бирга, тўпланган тажрибалар асосида ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий малакали кадрлар тайёрлаш, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашувини йўлга қўйилади.

Бугунги кунда Самарқанд давлат университети ва Россия Федерациясининг етакчи университети ўртасида 30 дан ортиқ ҳамкорлик битимлари тузилган. Ушбу ҳужжатларнинг тегишли бандлари асосида СамДУнинг 2017 йилги битирувчиларидан бир гуруҳи Шимолий Кавказ федерал университетининг магистратурасига бюджет асосида ўқишга қабул қилинди. Бир нафар ёш тадқиқотчимиз Москва давлат университетининг аспирантурасига юборилди. Шунингдек, тадқиқотчиларимиз мазкур университетнинг турли кафедраларида қисқа ва узоқ муддатли малака ошириш курсларида қатнашмоқда.

Университетимизнинг рус филологияси факультети профессор-ўқитувчиларидан бир нечтаси Москва вилояти давлат университети сиртки аспирантурасига ўқишга кирди ва Санкт-Петербургда вилояти давлат университетининг етакчи профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида илмий ишларини муҳокамадан ўтказиб, диссертацияларини ҳимояга тайёрламоқдалар.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш, олий таълим тизимини янада ривожлантириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ қарорлари соҳада туб бурилиш ясади.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрда Самарқанд шаҳрига амалга оширган ташифи чоғида берган топшириқ ва кўрсатмаларини ҳамда соҳага оид қарорлари ижросига Самарқанд давлат университети мисолида тўхталиб ўтсам. Университетимизда 2017-2018 ўқув йилида 3 янги таълим йўналиши ҳамда 4 докторлик диссертацияларини ҳимоя қилувчи илмий кенгашлар очилди, физика, кимё ва биология таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар учун замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди, спорт зал ишга тушилди ва шу кунларда 400 ўринли талабалар турар-жойи қурилмоқда.

Энг эътиборлиси, СамДУда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, замонавий мутахассислар тайёрлаш бўйича истикболли амалий дастур лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мазкур дастур лойиҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари

билан ҳамкорлик қилиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, университет моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, ўқув биноларидан бирини фузули олий ўқув юрлари андозаларига мослаштириш, хорижлик талабалар учун 200 ўринли турар жой қуриш каби муҳим масалалар кўзда тутилмоқда.

Президентимизнинг мазкур нутқи БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқининг мантиқий давоми бўлиб, узвийлиги яққол кўзга ташланади. Ўша нутқда ҳам давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда айна халқнинг фаровон ва эркин яшаши, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга ургў бериб, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил барча ислохотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Кишини қувонтирадиган энг муҳим томони шундаки, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, турли тадбир ва йиғилишлардаги таклиф ва топшириқлари ўз вақтида ижро этилмоқда. Масалан, ўзим иштирок этган 2016 йил 30 декабрь куни илм-фан намоёндалари билан бўлиб ўтган учрашувда академикларни олий таълим муассасаларига бириктириш таклифи илгари сурилган эди. Шундан келиб чиқиб, тўрт нафар академик — Турсунбой Рашидов, Толиб Мўминов, Шавкат Алимов ва Мухсин Ашуров Самарқанд давлат университетиде олий малакали мутахассислар тайёрлаш ишида, халқаро алоқаларни йўлга қўйишда фаол иштирок этишмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида илгари сурилган таклифлар малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан тараққиёти йўлида ҳамкорлик доирасини янада кенгайтиради. Бундан Ҳамдўстлик давлатларининг ҳар бири манфаатдор бўлади, деб ўйлайман.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Нодирбек РАСУЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодий
университетининг халқаро туризм
факультети декани, иқтисод
фанлари номзоди, доцент:

— Президентимизнинг МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида туризм соҳасида катта истиқболлар мавжудлиги, хусусан, МДХ давлатларидаги улкан туризм салоҳияти халқаро тўлиқ ишга солинган билан қайд этилди. Давлатимиз раҳбари МДХга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини 2020 йилга қадар ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини биргаликда таҳлил қилиш ва аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун Ҳамдўстликнинг туризм бўйича кенгашининг навбатдаги мажлисларидан бирини Самарқандда ўтказишни таклиф қилди.

Тўғриси, мен шу соҳанинг бир мутахассиси сифатида бу таклиф замирида қандай маъно-мақсад мўжассам эканини яхши тушунаман. Биринчидан, туризм соҳасида бундай нуфузли тадбирни Самарқандда ташкил этиш ҳар томонлама тўғри ва мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, юртимизнинг туризм имкониятларини МДХ мамлакатлари вакилларига яна бир бор намойиш этиш имконияти пайдо бўлади. Бугун бутун дунё микёсида жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқларида глобал-

лашув жараёни юз бераётган бир пайтда барча давлатлар ўз миллий иқтисодиётининг реал секторига бор эътиборларини қаратмоқда. Туризм индустрияси эса ХХ аср ўрталарида бошлаб жаҳонда энг сердаромад соҳалардан бирига айланмоқда.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, 1950 йилларда дунёда хорижий сайёҳларнинг сони 25 миллион нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йилга келиб эса дунё бўйича 1,2 миллиард нафарга яқин сайёҳ қайд этилган. Саёҳатчиларга кўрсатилган экспорт хизматлари ҳажми 1,8 триллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

2015 йил якунига кўра, Францияга 83,7 миллион, АҚШга 74,8 миллион, Испанияга 65,0 миллион, Хитойга 55,6 миллион ва Италияга 48,6 миллион нафар хорижлик сайёҳ келган. Ундан кейинги ўринларда эса Германия, Буюк Британия, Россия ва Мексика қайд этилган.

Мамлакатимизда миллий туризм индустриясининг бозор муносабатларига

асосланган ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди. Миллий туризм индустриясини ривожлантириш учун замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, туризмнинг жаҳон андозалари даражасидаги янги йўналишлари жорий қилина бошланди.

Маълумки, туризм индустрияси миллий иқтисодиётнинг қўллаб-тармоқларини ривожлантириш, хорижий валютани жалб қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш, мамлакатнинг миллий урф-одатларини кенг ёйиш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби муҳим долзарб масалалар ечимида муҳим роль ўйнайди. Бугун туризм индустриясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижада туризмнинг гўзал табияти, муқаддас қадимжолари, ноёб меъморий обидалари, зиёратгоҳлари ҳамда байлиги гўшалари дунё аҳлини тобора ўзига мафтун этмоқда. Бунинг самараси ўларок, мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар таъмирланмоқда. Давлат даражасида олиб борилаётган бундай ёндашув ҳамда тизимли чора-тадбирлар ўз самарасини бериб, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тобора

соҳасида юқори натижаларга эриша бошлади. 2016 йили Ўзбекистонга 1,9 миллиондан зиёд хорижий сайёҳ келган, туризм саноатининг асосий капиталига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 46,4 миллиард сўмини, меҳмонхона ва бошқа жойлашув воситалари сони 622 тани, туризм хизматлари экспорти 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, туризм фаолияти билан шугулланадиган субъектлар сони 418 тага етди. Лекин мамлакатимизда туризм индустриясини янада тараққий эттириш учун яна бир қатор ишларни амалга ошириш зарурати бор, деб ўйлайман.

Масалан, сайёҳларни халқаро ва ички йўналишларда ташвиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилаётган сайёҳлар учун тарифларни пасайтириш зарур. Ўзбекистонда саёҳатни арзон, оддий ва хавфсиз бўлишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак. Сайёҳлар учун виза олиш тизимини соддалаштириш зарур. Аэропорт ва вокзалларда резидентлар ва норезидентларнинг паспорт назоратидан алоҳида-алоҳида ўтишларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қелаётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг юртимиз ҳақидаги таассуротларини бойитиш соҳа ходимларидан юксак билим ва малака талаб этади. Шунинг учун ҳам туризм соҳасини чуқур ўрганадиган маркетинг ва менежмент, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона ҳўхалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ишларини ҳам тубдан қайта қўриб чиқиш керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда саёҳатни арзон, оддий ва хавфсиз бўлишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

ОИЛА — МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ



Хайтхон ОРТИҚБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг нутқини катта ҳаяжон билан ўқидим. Айниқса, мажлис кун тартибига киритилган Оила институти ва аънавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баённоти маъқуллаб билдирган фикрлари айни кўнглимиздаги гаплар бўлди. Назаримда, давлатимиз раҳбари халқимизнинг бу борадаги хоҳиш-иродасини ифода этди.

Президентимизнинг «Ўсиб келаётган авлод айнан оилада маънавий-ахлоқий тарбия олади, маъсулиятли бўлиши ва лоқайд бўлмасликни ўрганади», деган фикри ҳаёт ҳақиқатидир. Зеро, халқимизнинг «Кўш уясиди кўрганни қилади», деган қадим ҳикмати замирида ҳам катта маъно-мазмун мужассам. Чунки миллат келажаги бўлган ёш авлоднинг қалбида юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ота-онага меҳр-оқибат, ватанга муҳаббат ва садоқат айнан оилада шаклланади.

МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида биринчи марта оилага жамиятнинг муҳим бир бўғини сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Ваҳоланки, Ўзбекистонда мустақилликка эришилган

дастлабки йиллардан оилага, оилавий урф-одатларимизга, аъналаримизга миллий қадрият сифатида ҳурмат билан қарашиб, инсоннинг шахс сифатида шаклланишида, унинг баркамол, етук, иймон-этиқодли бўлиб улғайишида оиланинг ўрни бекиёс экани эътироф этилмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан бир қатор йилларга «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Аёллар йили», «Мустаҳкам оила йили», «Соғлом она ва бола йили», «Баркамол авлод йили», «Ёшлар йили», деб ном берилган эди. Бу йиллар давомида оилаларнинг маънавий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, оилага хос бўлган миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларимизни эътиқоди мустаҳкам инсон қилиб тарбиялаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мамлакатимизда оила институти жамиятнинг муҳим бир бўлаги сифатида давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-марказида бўлиб келмоқда. Қар бир оиланинг маънавий жиҳатдан

соғлом, бахтли ва фаровон, тинч ва хотиржам ҳаёт кечириши, унинг бағрида улғаяётган фарзандларнинг комил инсон бўлиб вояга етишиши учун барча имконият яратилган.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида келгуси йилда Ўзбекистонда «Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусида халқаро конференция ўтказишни таклиф этди. Бундан кўзда тутилган мақсад шуки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институти мустаҳкамлаш бўйича тўпланган ўзига хос тажриба-оммалаштириш ва бу борадаги халқаро амалиётни ўрганишдан иборатдир.

Азал-азалдан ота-боболаримиз фарзанд тарбиясида ўзларининг юксак фазилатларини намоён этганлар. Зотан, боланинг қалбига гўзал ахлоқий фазилатлар — меҳр-шафқат, одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, катталарга ҳурмат ва эҳтиром она сути ва ота ибрати орқали сингдирилган.

Шу ўринда ўзим яхши таниган бир оилани мисол келтирмоқчиман. Гулистон шаҳрининг «Дўстлик» кўрғонига Ахмадхон Маматовлар оиласи истикомат

қилади. Бу оилада тўрт нафар ўғил улғайган. Оила соҳибни иқтисод фанлари доктори, профессор Ахмадхон Маматов Гулистон давлат университетида ишлайди. Бу оиланинг фарзандларини тенгдошларига намуна сифатида кўрсатса арзийди. Уларнинг уч нафари олий маълумотлидир. Ўғиллардан бири номзодлик диссертациясини ҳимоялаш арафасида, бири банк соҳасида ишламоқда, яна бири ички ишлар тизимида хизмат қилмоқда. Шундай ибратли оилалар қанча кўпайса, бу жамиятнинг бахти. Зеро, оилалар тинчлиги мамлакат тинчлигидир.

Шу ҳақда фикр юритганда, жаҳонда глобаллашув жараёнлари авжига чиққан бугунги кунда ёшларимиз онги ва тафаккурини, қалбини «оммавий маданият»нинг таҳдидларидан, гиеҳвандлик ва терроризмнинг ёвуз хуржларидан асраш, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб боришда оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англаймиз. Бу борада муайян тажрибага эгамиз. Шунга қарамай, жамиятимизда носоғлом, пароканда оилаларнинг ҳам борлиги, оилавий ажралишларнинг кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай носоғлом оилаларда руҳияти синик, иродаси заиф, шафқатсиз, лоқайд фарзандлар улғаяди. Улар турли салбий оқимлар таъсирига тушиб, жиноятга қўл уришга мойил бўлади.

Халқимизда доно бир нақл бор: «Ниҳолни қийиш ўтказсанг, у қийиш ўсади». Фарзанд яхши инсон бўлиб улғайишида оиладаги муҳитнинг, тарбиянинг ва ибратнинг аҳамияти бекиёс. Демак, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик билан ҳамкорликда кўп иш қилишимиз лозим.

ЭЗГУЛИК КИТОБДАН БОШЛАНАДИ



Мухайё ХАМПАЕВА,
Термиз давлат университетининг
Ўзбек филологияси факультети
декани, филология фанлари
номзоди:

— Ўзбекистон Республикасида Президентимиз ташаббуси билан салкам бир йилдан бери китобхонлик маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу бўйича давлатимиз раҳбарининг махсус фармойиши ва қарори ҳам қабул қилинган.

Кўёш Шарқдан чиқади, деганларидек, бутун дунёда китобга бўлган муносабатнинг ўзгараётганини, маънавият, маърифат масалалари кун тартибига қўйилаётгани — инсониятнинг китобга қайтишини, китобга интилишини кучайтирмоқда.

Университетимизда ишлаётган таниқли олимлар ўз шахсий кутубхоналарини ташкил этган бўлиб, биз ҳозир уларни талабаларимизга кўрсатиш орқали китоб ўқишга, шахсий кутубхона очишга қизиқтиришга ҳаракат қилаёмиз. Уйлайманки, бу лойиҳаларимиз самара беради. Энг муҳими,

талабаларимизнинг китобга муносабати ўзгармоқда. Китоб ўқийётган ёшларни рағбатлантиряпмиз, жумладан, ҳомийлик қилаёмиз, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватляпмиз, шу билан бирга, уларни тенгдошларига намуна қилиб кўрсатяпмиз. Шу ўринда бу борада биз ота-оналар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганимизни айтиб ўтмоқчиман.

Қадимда энг бой шахсий кутубхонаси бор оилалар номлари халқимиз томонидан ҳурмат билан тилга олинган. Улар алоҳида эъзозланиб, ардоқланган. Чунки эзгулик китобдан бошланади, деб бежиз айтилган.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугун биз урушлар, миллатлараро ва динлараро низолар, терроризм балоси тобора кучайиб бораётган, замонда яшайпмиз. Дунё болалари ёт гоёлар таъсирига тушиб қолаётганини ҳам ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Биз фарзандларимизни ана шу бало-қазолардан қандай қилиб асраб-авайлашимиз мумкин? Албатта, китоб ўқишни ўргатиш орқалигина. Китоб мутулаа қилган боланинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқараши юксалади, муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшай бошлайди. Китоб ўқиш инсонни ёвузликдан, манкуртликдан, фикрсизликдан, бифарқликдан асрайди. Китоб инсонга нафақат билим беради, балки уни тарбиялайди ҳам. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ана шу туйғулар билан улғайган йигит-қизни чалғитиш, йўлдан адаштириш мумкинми? Йўқ, албатта.

Шунинг учун ҳам аждодларимиз китобни нондек қадрлаб, унга чуқур ҳурматда бўлишган. Буни буюк шоир Абдурахмон Жомийнинг қуйидаги мисралари ҳам тасдиқлайди:

Китобдан яхши дўст
йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлмай у
ғамли замонда.

У билан қол танҳо,
ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат
беради тақдор.

Шундай экан, китобхонлик аъналарини кенг тарғиб қилишимиз, бу борада тўпланган тарихий тажрибаларни фарзандларимизнинг онгу шуурига янада теранроқ сингдиришимиз зарур.

Шубҳасиз, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда Президентимизнинг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлади. Шу кунларда бизнинг университетимизда ҳам ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар, турли танловлар, давра суҳбатлари, адабиётимизнинг кўзга кўринган вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатларида 2019 йил Китоб йили деб эълон қилинганини

ЎзХДП: электорат манфаати



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

— долзарб ижтимоий масала

Президентимизнинг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бандликни таъминлаш, бу борада кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги: соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан таклифлар» мавзуси бўйича семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия фаоллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, унинг Тошкент шаҳар ва вилоят ҳудудий бошқармалари вакиллари иштирок этди.

ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, одамлар муносиб ҳақ тўланадиган ва барқарор иш ўрнига эга бўлишлари учун қўмақлашиш бўйича вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Семинарни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмонов очар экан, шундай деди:

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар доим долзарб масала ҳисобланади. Ишсизлик даражасини камайтириш, битирувчилар ишга жойлаштиришга қўмақлашиш партиямиз фаоллари ҳамда депутатлар учун муҳим вазифадир.

Хабарингиз бор, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «2017 йилда аҳоли бандлиги дастури» ижросининг бориши тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Унда депутатлар амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаган ҳолда соҳага оид қонунларнинг ижроси суст экани, бунда маҳаллий давлат органлари, шу жумладан, ҳудудларда аҳоли бандлиги билан шугулланадиган муассасалар ушбу масалага етарли даражада эътибор қаратмаётгани қайд этилган эди.

Бу масала партиямиз дастурий мақсадларига ҳамохангдир. Шу боис, тизимдаги камчиликларни аниқлаш, уларни ҳудудлар бўйича таҳлил қилиш орқали муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади. Бу каби семинарлар олис ҳудудларда ҳам тизимли равишда ўтказиб борилиши даркор.

Семинарда 2016 йилда режага киритилган иш ўринлари қониксиз бажарилгани қайд этилди. Бунинг асосий сабаблари эскирган усулларида фойдаланиш, бандлик масалаларини ҳал этишда расмийлик билан боғлиқ муаммоларга бориб тақалади. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тузилган уч томонлама шартномалар бажарилгани ҳақида сохта маълумотлар тақдим қилинаётгани таъкидланди.

Иштирокчиларга тизимда амалга оширилаётган ишлар, муаммо ва келгуси режалар ҳақида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъул ходими Бахтиёр Рухитдинов атрафлича маълумот берди. Ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, олий ва ўрта махсус

маълумотли кадрларни иш билан таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

— Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида саноат, хизматлар ва сервис соҳасида, уй-жой қурилишида янги объектларни ишга тушириш, кичик бизнесни, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига 521,5 минг кишининг бандлиги таъминланди, — деди у. — Ҳар битта иш ўрнини яратиш учун маблағ керак. Шу сабабдан ҳам иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун кичик бизнес ва тадбиркорликни янада рағбатлантириш талаб этилади. Келгуси йилда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 30 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кутилмоқда. Ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш жараёнида уларга иш жойини аниқ қилиб қўйиш масалалари ҳам ўрганиб чиқилляпти.

— Ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туман партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 302 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 52 таси иш билан таъминлаш юзасидан бўлса, шундан 33 таси ижобий ҳал бўлди, — деди халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова. — Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда маҳаллий Кенгаш депутатларининг иштирокчи қўлайириш талаб этилади.

Шунингдек, Бандлик дастури ижроси юзасидан маҳаллий ҳокимликлар қошидаги ишчи комиссияларнинг масъулиятини ошириш ва жавобгарлигини кучайтириш масаласи ҳам ҳамон долзарбликка эга бўлмоқда.

Семинар давомида ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Боймурод Юсупов мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ишсизликнинг сабабларидан бири кадрларнинг мутахассислиги бўйича етарлича билимга эга эмаслигида, — деди у. — Касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг кўпчилигида кўникма етишмайди. Баъзи таълим муассасаларида ёшлар кераксиз, ўша ҳудуд эҳтиёжига мос бўлмаган йўналиш бўйича таълим оляпти. Бу эса ўз-ўзидан ишсизлар сонининг ошишига олиб келади. Бандлик муаммоларини ҳал этиш учун ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Бундан ташқари, Бандлик дастури ижросини авваламбор кўйиб бўлинларда, яъни туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари сессияларида тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиб, аниқ хулоса ва таклифларни парламентдаги партия фракциясига етказиш ишларини фаоллаштириш зарур, деб ўйлайман.

Шунингдек, иш бевуриларни рағбатлантириш, «электрон меҳнат дафтарчаси»ни жорий қилиш ва ёлланб ишловчилар меҳнатини тартибга солиш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар берилди.

Адолат УМИРОВА

«Ёш сиёсатчи — 2017»

кўрик-танловининг республика босқичи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг жамият ва давлат қурилишидаги иштирокини кучайтириш, ёш сиёсатчиларни шакллантириш мақсадида ҳар йили «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танловнинг жорий йилги республика босқичи 30-31 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтди.

Унда танловнинг Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари қолиблари иштирок этади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати.

Китобдан яхши дўст йўқ жаҳонда.

МАХТУМҚУЛИ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида Туркманiston элчионаси ҳамкорлигида «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули Фирогийнинг «Сайланма» китоби тақдими бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи директори ўринбосари Миракбар Одилов, Туркманistonнинг мамлакатимиздаги муваққат ишлари вакили Овзамурод Хуммиев, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Лазиз Тангриев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгаши масъул котиби Адхамбек Алимбеков, Тошкент шаҳридаги туркман маданият маркази раиси ўринбосари Бибисора Ражапова, «Сайланма» таржимони, шоир Муҳаммад Пирриев ва бошқалар қардош ўзбек-туркман халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида тўхталиб, Махтумқули Фирогийнинг ўзбек тилига таржима қилинган «Сайланма» китобини нашр этишда беғараз ёрдам берган ва ҳамкорлик қилган жамоат ташкилотлари ҳамда мутахассисларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Тадбир иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, атоқли шоир Абдусатид Кўчмиев туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули Фирогийнинг ушбу «Сайланма»си икки дўст халқнинг миллий қадриятлари, турмуш тарзи, тарихи, маданиятини ёшларимизга етказиш, халқлараро дўстлик, товушликни мустаҳкамлаш, келажгимиз бўлган ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ўзбек-туркман халқи азалдан бир дарёдан сув ичиб, кўни-қўничилик ришталари билан боғланган, тили ва урф-одати бир-бирига пайваста, маданияти уйғун, адабиёти ҳамда санъати ҳамонанг, — деди у. — Туркман халқи Алишер Навоий Ҳаҷаллари қандай севса, Махтумқули ҳам ўзбекларнинг ўз шоири ҳисобланади. Юртимизда Махтумқули Ҳаҷаллари кириб бормаган хонадон йўқ. Аъналаримиз ўхшашлиги, тарих, маданият ва қадриятларимиздаги муштараклик ўзбек — туркман халқларини бир-бири билан мустаҳкам боғлаб туради.

Яқинда Туркманistonда Ўзбекистон маданияти кўнлари бўлиб ўтди, ноябрь ойида Ўзбекистон маданият марказида кўнлари ўтказилади. Бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги адабий, мусикий, маданий ҳамкорлигини, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Махтумқули Фирогий номи тилига олинганда, бу табаруқ сиймо қаламига мансуб ўтти шайри мисраларни ўқиганда, энг аввало, ўқувчи ҳаёлида қадим Туркманiston ва бу ўлканинг чексиз-чегарасиз дала-дашлари жонланади. Турон текисликларида Қорақум чўлларида, Амударёдан Каспий денгизигача, Қопетдоғдан Кичик ва Катта Болқон тоғларигача, Ҳисор тизмаларидан Устурту Орқа Ўбоз бурмаларигача бўлган ҳудудда ястаниб ўтган, афсоналар-



Фирогий АЛИШЕР олинган сурат.

дагидек бир диёрнинг гўзал ва бетимсол манзаралари кино тасмалари сингари кўз олдиндан бир-бир ўтади.

Махтумқули Фирогийни ўқиганда, туркман элининг олис ўтмиши — Аҳамонийлар давлати, Александр Македонский истилоси, Парфия, Юнон-Бақтрия подшоликлари, Турк ҳоконлиги, Сомонийлар, Салжукийлар, Хоразмийлар, Темурийлар замонидаги олағовур манзаралар намоён бўлади — талатўп замонлар ичида кезингандек бўлади киши. Шиддатли, оловли асрлар силсиласида тобланган, ўз эрки, гурури, бахти йўлида жасорат билан курашган, энг машаққатли, энг оғир даврларда ҳам ҳеч кимга бўйсунмаган, ҳамиша ёрқин келажакка ишонган ва кўзлаган манзилдан сира қайтмаган мард ва танги халқни кўрсан, уларнинг жасоратлари олдида қуллук қилинг келади беҳишёр.

Махтумқули Фирогийни ўқиганда, Қопетдоғ этакларида

яшнаб ўтган ям-яшил боғлар, Қорақум даштларида ўйнаб юрган жайронлар, эркатой қийикларнинг сакраб-чоғиб юришлари ҳаёлини ўғирлайди, тўқайларда сайраб ўтган қўшларнинг сирли навалари, осмонда чарх ураётган тўғайларнинг чулдурашлари, сахро бургутларининг шиддатли парвозлари битмас-туганмас завқ шавқ олиб киради вужудингга.

Сон-саноксиз қўшлар навоси Андалиб, Озодий, Мулла нафас, Саидий, Зилолий сингари дилбар шоирларнинг алёрларига қўшилиб кетади. Қўшиқлар «Китоби дадам Қўрқут», «Сайёт ва Ҳамро», «Шохсанам-Ғариб», «Гуруғли», «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли-Мажнун» каби достонларга улашиб, сени шундай бир сеҳрли дунё қучоғига олиб кирадики, ҳайратдан энтикиблар кетасан.

Икки юз йилдан ошибдики, Махтумқули Фирогийни ўқиган китобхон ана шундай бетакрор

олам билан юзма-юз келди, ҳайратга тушади, қалбиди ҳаяжон гупуради.

Махтумқули Фирогий икки юз йилдан буён бир кун, бир нафас ҳам тўхтамай, дам олмай, туну кун туркман эли билан бирга ҳаёт кечирмоқда. Бу сиймонинг она юртига қилган ва қилаётган хизматларини ҳеч қандай ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳида ҳилпираб турган Туркманiston давлат байроғида ҳам, ҳеч шубҳасиз, Махтумқули нафаси бор. Дуру жавахирлар қимматини ҳар қандай мақтаган ва таърифлаган билан тугал баҳосини айтиб бўлмаганидек, Махтумқули асарларининг таъриф-тафсиғига ҳам сўз очиздир. Ҳазрат Навоийни ўзига устоз билган, Куръони каримни кунт билан ўрганган бу бетимсол истеъдод бундан кейин ҳам нафақат туркман халқига, балки

жаҳондаги жуда кўп халқларга маънавий мактаб бўлади, беқийс хизмат қилади.

Ўзбек халқи эса Махтумқулининг ноёб истеъдоди ва ижодини қадрлаб, эъзозлаб келади. Унинг асарлари неча марта лаб қайта-қайта нашр этилгани, юзлаб шеърлари хонандаларимиз томонидан қўшиқ қилиб қўйланганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Фақат бу эмас, мамлакатимизда Махтумқули номи билан аталувчи билим даргоҳлари бор, кўчалар бор. Ўтаётган йилимизнинг 18 майида эса Тошкент шаҳридаги марказий кўчалардан яна бирига улуғ шоир номи берилди, меъморий ёдгорлик ўрнатилди.

Махтумқули ижодини ўзбек-туркман адабиёти, адабий алоқалари ўртасидаги дўстлик кўприғига қийслаш мумкин. Фафур Фулом ва Берди Кербобоев, Абдулла Қаҳҳор ва Беки Сейтоқов, Зулфияхоним ва Товшан Ғасанова каби неча-неча адибларнинг қадрдонлиги Махтумқули даҳосидан илҳом олган эди.

Бугун тақдими ўтказилаётган «Сайланма» китоби халқимизнинг улуғ шоирга бўлган меҳру муҳаббатининг наватдаги изҳоридир. Бу қимматли асар, айна чоғда, китобга, китоб ўқишга, китоб тарғиботида бўлган эътибор бизнинг мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат, давлат раҳбари томонидан чиқарилган қарорларга муносиб жавобдир...

Тўғриси, бундай эътироф, ҳурмат-эҳтиром барчаннинг дил изҳори бўлди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.

Миллий матбуот марказида

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон ихтирочи аёллари уюшмаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

ИХТИРОЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАР

ҳар томонлама қўллаб-қувватланади

— Мамлакатимиз хотин-қизлари илм-фан тараққиётига самарали ҳисса қўшмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева. — Ҳозирги кунда 600 дан зиёд фан доктори, 4 минг 800 га яқин фан номзоди, 6 нафар академик аёл илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Кўмита томонидан олима аёлларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инновацион ишланмаларини амалиётга татбиқ этишга қўмаклашиш, ихтирочилик фаолиятини фасллаштириш, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоялашга доимий эътибор қаратилмоқда. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ихтирочи аёллари уюшмаси ташкил этилди.

Кўмита томонидан мазкур уюшма ташкил этилгани муносабати билан «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» I Республика танловини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Унда иқтисодий тармоқларига ўз техник лойиҳалари, рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларини тайёрлаган олималар, иқтидорли талаба ва ўқувчи-қизлар, муҳандис, ихтирочи, рационализатор аёллар конструкторлар қатнашиши мумкин. Танлов учун ҳужжатлар жорий йилнинг 10 октябридан 10 ноябрга қадар қабул қилинади.

Танловнинг биринчи босқичида иштирокчиларнинг ҳужжатлари туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари томонидан қабул қилинади. Иккинчи босқичда эса қабул қилиб олинган ҳужжатлар ҳудудий Экспертлар кенгаши томонидан баҳоланади. Шундан сўнг иккинчи босқич гоилилари ҳудудий хотин-қизлар кўмитаси томонидан сертификат ва совғалар билан тақдирланиб, якуний Республика босқичига йўлланма олишади.

Тадбирда олима аёллар билан биргаликда олиб борилаётган янги лойиҳалар хусусида батафсил маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани электр таъминоти корхонаси томонидан аҳоли хонадонлари, ижтимоий-иқтисодий тармоқларни куз-қиш мавсумида электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманда 41 минг 529 аҳоли хонадонига 153 трансформатор, 1 минг 821 километр узунликдаги кабель тармоғи орқали хизмат кўрсатилади. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида 36 трансформатор пункти реконструкция қилинди, 117 трансформатор пункти жорий таъмирланди. «Қўқоновул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги таъмирталаб трансформатор юқори қувватлисига алмаштирилди.

Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст қучланишли электр тармоқларини янгиллаш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида жорий йил якунига қадар

ҳудуддаги яна 5 трансформатор пункти ва 29,5 километрлик ҳаво тармоғини реконструкция қилиш режалаштирилган. — Куз-қиш мавсумида, айниқса, қишлоқ аҳолисини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Д.Мусаев. — Намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уйларга электр тармоғи тортиш ишлари қизғин давом этмоқда. Ҳудуддаги 236 хонадонга мўлжалланган узунлиги 5 километр ҳаво тармоғи ва 4 трансформатор пунктнинг қурилиши учун «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан 522 миллион сўм миқдорда маблағ ажратиш режалаштирилган.

Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли туман аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминланиб, корхона ва ташкилотларнинг қиш мавсумида барқарор фаолият кўрсатишига замин яратилди.

А.МУСАЕВ, ЎзА муҳбири.

Реклама

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Реклама

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

3 и 18 ноября 2017 года в 15.00 по адресу: город Нукус, улица Амира Темура, дом 122а проводятся открытые аукционные торги, на которых

выставляется на продажу:

Товароматериальные ценности в комплексном виде, принадлежавшие АО «Tahiatash IES», (в комплекс входят: стрелочный перевод со шпалами марки Р-65, 2 комплекта; стрелочный перевод без шпалы марки Р-65, 2 комплекта; рельсы марки Р-50, всего 152 метра; рельсы марки Р-50, всего 212,5 метра). Начальная цена — 249 352 519 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 до 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья.

Прием заявок прекращается 2 и 17 ноября 2017 года в 18.00. Покупа-

тель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк.

Информацию об объектах, выставленных на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амира Темура, дом 122а.

Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Свидетельство 006388-11.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038

8879

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:35

Topshirilgan vaqti — 00:05

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

4772010743004

1 2 3 4 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI